

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Тошкент давлат иқтисодиёт
университети
ректори Т. Гешабаев

2025 йил

“КЕЛИШИЛДИ”



Ўзбекистон Республикаси
Олий аттестация комиссияси
раиси А. Юсупов

2025 йил

**“ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ,
ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ
ҲАМДА ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ
ВА АМАЛИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ” ФАНИДАН МАХСУС ИМТИҲОН**

ДАСТУРИ

Аннотация

Янги Ўзбекистонда давлат бошқарув тизими, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Шунингдек, таълим соҳасида ҳам бир қатор ислохотлар ўтказилиб, баркамол авлодни шакллантиришга йўналтирилган ислохотлар ривожлантирилиб борилмоқда. Жаҳонда юз бераётган воқеа ва ҳодисалар, мафкуравий қарама-қаршиликларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил этиш, турли хил ёт ғоялардан ёшларни ҳимоя қилиш учун тарихий тафаккурни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, “Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлиги, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш ҳамда ижтимоий ривожланишнинг илмий асослари ва амалий йўналишлари” фанини чуқур ўрганиш ёш мутахассисларнинг бугунги давр сиёсатини, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини, давр қаҳрамонларини, айниқса ўзининг ҳам шу жараён иштирокчиси эканлигини тўғри ва тўлиқ англаши жамият тарақиётида муҳим аҳамият касб этади.

“Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлиги, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш ҳамда ижтимоий ривожланишнинг илмий асослари ва амалий йўналишлари” фани ҳақида сўз кетганда, аввало 1991 йилдан буён мамлакат босиб ўтган тарихий йўлнинг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш лозим. Ушбу жараённинг мураккаблигини, мамлакат мустақилликка эришгунга қадар ва мустақилликнинг дастлабки йилларидаги муаммолар уларни ҳал этишга қаратилган тизимли ишларни алоҳида қайд этиш ўринли бўлади. Ушбу фан доирасида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигининг эълон қилиниши, мустақиллик йилларида мамлакатда амалга оширилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳалардаги ислохотлар ва уларнинг моҳияти, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига ҳар томонлама интеграцияси, халқаро муносабатлар, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, тинчликсевар ташқи сиёсат каби масалаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилади. Унда шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг стратегик тараққиёт босиқчига кириши, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар моҳияти ҳақида сўз боради.

Ислохотлар ва янгиланишлар даврида давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлиги, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш ҳамда ижтимоий ривожланиш соҳаларида улкан ўзгаришлар содир бўлмоқда. Айниқса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармонида жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда «Инсон қадри учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада оширишга эътибор қаратилганлиги бежиз эмас. бу борада Ўзбекистон

Республикаси мустақиллигининг 31 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида Президент Шавкат Мирзиёев "...биз Ватанимиз таракқиётининг янги босқичида кенг қамровли ислохотларимизни бошлаб, изчил давом эттирмоқдамиз. Ўтган даврда «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган тамойил фаолиятимиз дастурига айланди. Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бугун биз интилаётган Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш осон эмас. Бундай улуғ вазифанинг шарти ва мезонлари кўп. Аммо энг муҳим ва ҳал қилувчи омил — бу демократик ислохотлар йўлидир”, деган эди.

Тузувчилар:

Гулнора Каландаровна.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Рустам Рашидов.

Республика Маънавият ва маърифат маркази,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар бўлими бошлиғи
профессор, ҳуқуқ фанлари доктори

Алимназар Исламкулов.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Трансформация маркази директори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Сарвар Отамурадов.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Ижтимоий фанлар кафедраси мудири,
социология фанлари доктори, профессор

Нормўмин Мавланов.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
Илмий тадқиқотлар ва инновациялар департаменти раҳбари,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Мирзаев Гулом.

Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги
университети Идтимоий-гуманитар фанлар кафедраси
бошлиғи ўринбосари, тарих фанлари доктори, профессор

Мохичехра Курбанбекова.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
Илмий тадқиқотлар ва инновациялар департаменти
раҳбари ўринбосари, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Сўз боши

Мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида улкан ислохотлар, ўзгаришлар ва янгиланишлар амалга оширилди. Ушбу давр давр воқеалар кўлами ва ўсиш суръатига кўра улкан янгиланишлар ва барча соҳаларда амалга оширилган ўзгаришлар, мамлакатнинг ўз истиклол ва тараққиётнинг йўлининг танланишидир. Ушбу тарихий даврда мамлакат ўз иқтисодиётига эга бўлиш, маданияти ва маънавиятини қайта тиклаш ва тараққий эттириш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлидаги мустақил тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бунинг учун биз бугунги тинч осойишта кунларнинг кадрига етишимиз, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, бундай кунларга осонлик билан эришмаганимизни билишимиз ва англаб етмоғимиз зарур.

Дунёда содир бўлаётган глобаллашув ва туб ўзгаришлар даврида мамлакатимиз бой тарихи, миллий давлатчилигининг шаклланиши ва тараққий этиши, мустақил Ўзбекистонда содир бўлган тарихий ўзгаришлар хусусида билмларга эга бўлиш муҳим. Бу борада халқимиз, айниқса ёшлар онгида амалга оширилаётган ислохотларга ва бой ўтмишимизга нисбатан ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш, уларни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш вазифаси янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги нинг Фармонида ҳамда “Ўзбекистон-2030 стратегияси”да давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлиги, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш ҳамда ижтимоий ривожланишнинг илмий асослари ва амалий йўналишлари ўрганишга давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратилаётганлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистоннинг ўзига хос истиклол ва тараққиёт йўли.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва унинг тарихий аҳамияти. «Суверенитет» тушунчаси. Давлат, миллат ва халқ суверенитети. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ривожланиш стратегияси: янгиланиш ва тараққиёт йўли. Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган стратегия асослари. Мустақиллик – норматив-ҳуқуқий ва меъёрий асосларининг яратилиши. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши ва унинг тарихий аҳамияти. Янги таҳрирдаги Конституциянинг қабул қилиниши. Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституцияси – Янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳуқуқий пойдевори. Конституцияда “Инсон кадри учун” тамойилининг аҳамияти ва моҳияти. Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари масалалари. Янги таҳрирдаги Конституцияда инсон-жамият-давлат тамойили ва унинг мазмун моҳияти.

Мустақиллик йилларида давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлиги, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш ҳамда ижтимоий ривожланишнинг. Давлат бошқарув

тизимида амалга оширилган ислохотларнинг хусусиятлари. Ўзбекистонда демократик, фуқаролик жамияти асосларининг шаклланиши, амалга оширилган сиёсий ислохотлар. Мустақилликнинг дастлабки йилларида йилларида иқтисодий ва тармоқлари ва соҳаларида амалга оширилган ислохотлар. Кўп укладли иқтисодийни барпо этиш. Миллий парламент тизимининг шакллантирилиши. Давлат ҳокимиятининг бўлиниш тамойили. Демократиянинг асосий мезонлари. Ўзбекистонда сайлов ҳукуқи ва эркинлигини таъминланиши ва сайлов конунчилигини ривожлантирилиши.

Ўзбекистонда демократик, фуқаролик жамияти асосларининг шаклланиши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар.

Ўзбекистонда демократик, фуқаролик жамияти асосларининг шаклланиши, амалга оширилган сиёсий ислохотлар. Фуқаролик жамияти тушунчаси. Иқтисодий ислохотлар, хусусий мулкчиликнинг шаклланиши. Ўзбекистонда бозор муносабатларининг ривожланиши. Юксак маънавиятли ёшларни тарбиялашда фаннинг ўрни. Ўзбекистон Республикасидаги ижтимоий-маънавий ўзгаришлар. Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларининг фаолияти. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг маънавий ва маданий тараққиёти. Қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳасидаги ўзгаришлар. Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида амалга оширилган ислохотлар. Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва уларнинг сиёсий, ижтимоий ҳамда иқтисодий жараёнлардаги иштироки. Жамғармалар, ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти ва уларнинг жамиятни демократлаштиришдаги ўрни.

Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш. Ўзбекистонда кўнрақиявийлик. Ҳокимлик институтининг вужудга келиши ва аҳамияти. Глобаллашув жараёнлари ва турли таҳдидлар шароитида демократик кадриятларни сақлаб қолиш муҳимлиги. Жамоатчилик назорати. Суд ислохотлари, инсон ҳуқуқларига риоя этиш, уларни ҳимоя қилиш ва таъминлаш тизими. Давлат ва фуқароларнинг ўзаро масъулияти. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг самарали ишлаш тизими. Янги Ўзбекистонда адлия органлари тизимидаги ислохотлар. Суд ва прокуратура органларининг ҳуқуқий мақомининг кенгайтирилиши.

Иқтисодий ислохотлар, хусусий мулкчиликнинг шаклланиши.

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг ривожланиши.

Иқтисодийни модернизация қилиш концепцияси. Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг шаклланиши, унинг йўналишлари, босқичлари ва хусусиятлари. Бозор муносабатларига ўтишнинг ҳуқуқий асосларининг яратилиши. Иқтисодий ислохотларнинг тамойилларини амалга ошириш механизми. Бозор инфратузилмасининг шаклланиши, қишлоқ

хўжалигидаги ислохотлар, уларнинг вазифалари ва йўналишлари. Саноат, автомобилсозлик соҳасининг ривожланиши. Макроиктисодиётни баркарорлаштиришга эришиш. Жаҳон молиявий инқирозининг юзага келиш сабаблари, оқибатлари ва уни Ўзбекистонда бартараф этиш йўллари. Мамлакат иқтисодиётининг модернизация ва диверсификация қилиниши, банк-молия тизимини мустаҳкамлаш борасидаги чора-тадбирлар. Хорижий мамлакатлар билан инвестиция сиёсатни амалга ошириш йўналишлари. Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Солиқ ва банк-молия соҳасидаги ислохотлар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши. Ўзбекистонда тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилиниши. Иқтисодиётнинг янги технология ва инновацияларга асосланганлиги. Сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришда оилавий тадбиркорлик ва касаначиликнинг ўрни. Мамлакатда ўрта бизнес вакиллариغا яратилаётган шарт-шароитлар. Яшил иқтисодиётга ўтишнинг самарадорлиги ва аҳамияти.

Ўзбекистон Республикасидаги ижтимоий ўзгаришлар

Кучли ижтимоий сиёсат концепциясининг шаклланиши, босқичлари ва ривожлантирилиши. Кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам. Манзилли ижтимоий ҳимоя тизимининг яратилиши. Ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, аҳолини уй-жойлар билан таъминлаш, йўл-транспорт муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий ҳимоя ва манзилли ижтимоий ёрдамни амалга оширишдаги иштироки. Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш масалалари. Мустақиллик йилларида илм-фаннинг ривожланиши. Янги жамият қуришда таълим ва тарбиянинг ўрни ва роли. Оила-жамиятнинг муҳим бўғини. Мустақиллик йилларида маҳалла институтининг такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Маҳалла – фуқаролик жамиятининг ноёб институти эканлиги.

“Туризм қишлоғи” ва “Туризм маҳалласи” ички ва ташқи туризмни ривожлантиришнинг асоси эканлиги. “Маҳалла еттилиги” ва унинг моҳияти. Маҳалланинг молиявий имкониятларини ошириш масалалари. Камбағал оилаларга ажратилаётган бюджет маблағлари ва бошқа маблағларнинг мақсадли ва манзилли йўналтирилишини таъминлашда маҳалланинг ўрни. Маҳаллаларнинг моддий-техника таъминотини яхшилаш. Маҳалла тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш. Маҳалла

масъулларининг малакасини ошириш муаммолари. «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари» орқали ижтимоий ёрдам кўрсатишда маҳалланинг ўрни. Янги Ўзбекистонда алтернатив энергия манбаларидан самарали фойдаланиш асослари ва аҳамияти. Яшил энергетика – аҳоли ижтимоий турмушини яхшилашнинг муҳим бўғини. “Яшил макон” умумиллий ҳаракатининг ижтимоий аҳамияти ва истикболлари.

Янги Ўзбекистонда маънавий ва маданий тараққиёт

Мустақиллик йилларида маънавий ва маърифий ҳаёт. Мустақиллик даврида миллий маънавий қадриятларимиз, урф-одат ва анъналаримизга бўлган муносабатларнинг тубдан ўзгариши. Миллий истиклол ғояси ва мафкуравий масалалар. Тарихий хотира туйғуси ва унинг моҳияти. Мафкуравий бўшлиқнинг оқибатлари. Жаҳондаги мафкуравий курашлар. «Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат» билан курашишнинг моҳияти. Миллий гурур, миллий орият, миллий ифтихор туйғуларини ёшлар онгига сингдиришнинг воситалари ва омиллари. Миллий манавият ва миллий ўзликни англаш. Юксак маънавият-енгилмас куч.

Мустақиллик йилларида буюк аجدодлар ва тарихий шахсларга бўлган эътибор. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг аجدодлар мероси ва миллий қадриятларни тиклаш борасидаги хизмати. Тарихий шаҳарлар (Бухоро, Самарканд, Марғилон, Қарши, Тошкент, Хива, Шаҳрисабз) юбилейларининг халқаро миқёсда кенг нишонланиши. Тошкент ва Бухоро шаҳрлариининг “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилиниши ва унинг аҳамияти. Ўзбекистонда Халқаро бахшичилик санъати, Маком санъати халқаро фестивали, Бухоро шаҳридаги “Ипак ва зираворлар” ҳамда Марғилон шаҳридаги “Атлас байрами” каби форумларнинг маънавий аҳамияти. Ўзбекистоннинг номоддий маданий мерос намуналарининг ЮНЕСКО нинг репрезентатив рўйхатига киритилиши ва унинг халқаро аҳамияти. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент халқаро кинофестивали қайта тикланиши ва унинг халқаро нуфузи.

Диний қадриятларнинг қайта тикланиши, Оммавий маданият таҳдидлари ва глобаллашув. Марказий Осиё давлатларида диний экстремистик гуруҳларнинг фаолияти. Экстремизм ва терроризмнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва унга қарши курашиш зарурати. Экологик таҳдидлар ва унга қарши курашиш зарурати. Ўзбекистоннинг диний тамаддун бешиги эканлиги. Ислом цивилизациясида Ўзбекистоннинг ўрни. Ўзбекистонда зиёрат туризми ва унинг истикболлари. Бугунги глобаллашув даврида ғоявий ва мафкуравий таҳдидлар. “Буюк давлатчилик шовинизми” га қарши курашишда биргаликдаги саъйи-ҳаракатларни бирлаштириш зарурати.

Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинishi. Халқаро ҳамкорлик алоқаларининг кенгайishi. Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсати ва унинг жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинishi ва ривожлантирилиши. Ўзбекистоннинг геостратегик имкониятлари. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати принциплари, тинчликсевар ташқи сиёсат ва унинг аҳамияти. Ўзбекистоннинг БМТ, Европа, Осиё мамлакатлари ва АҚШ билан ҳамкорлик алоқалари. Ўзбекистоннинг геосиёсий ва геоиктисодий ўрни. МДХ, ШХТ ва Марказий Осиё доирасидаги сиёсати. Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасида амалга оширган ташқи сиёсати. Халқаро доирада Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларининг яратилиши. Миллий хавфсизликни таъминлаш борасида амалга оширилган ишларнинг мазмун-моҳияти. Нуфузли халқаро ташкилотлар билан иктисодий, маданий-гуманитар соҳаларда амалга оширилган кенг қўламли ҳамкорлик алоқалари. Ўзбекистон ва ЮНЕСКО. Орол муаммосини бартараф этиш борасида Ўзбекистоннинг ташаббуслари.

Марказий Осиё давлатлари билан дўстона, яқин қўшничилик ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш ва мустақкамлашни асосий устувор йўналишлари. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан очик, конструктив, пухта ўйланган ва прагматик сиёсати. Минтақада сувдан ва энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммолари.

Янги Ўзбекистон: миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

Янги Ўзбекистон тушунчасининг мазмун ва моҳияти. Сиёсий соҳадаги ислохотлар ва сайлов тизими. Янги Ўзбекистонда ўтказилган Президент сайловлари-демократиянинг муҳим пойдевори. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишнинг устувор йўналишлари. Судлар мустақиллиги. Иктисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларнинг мазмун моҳияти.

«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» ғоясининг моҳияти. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак!” ғоясининг моҳияти. “Обод кишлок”, “Обод маҳалла”, “Ёшлар келажагимиз” “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Беш муҳим ташаббус” каби муҳим дастур ва режалар доирасида олиб борилаётган туб ислохотларнинг маъно ва мазмуни. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Халқ бой бўлса, давлат бой бўлади” ғоясининг

амалиётга татбиқ этилиши. Оилавий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим асоси. Касначилик ва аёллар бандлиги. “Темир дафатар” ва “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари” тизими. Янги Ўзбекистонда фукаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари. Авф этиш тизимининг жорий этилиши ва амалий натижалари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида белгилаб берилган устувор масалалар. Янги Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик. Миллий маданий марказлар фаолияти. Янги Ўзбекистонда маданий-маърифий муассасаларга янгича эътибор. Китобхонлик ва китоб мутуаласи маданиятининг ўсиши. Кутубхоналар, музейлар, кино ва театрларга давлат сиёсати даражасидаги эътибор.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.М.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессияларидаги нутқларида илгари сурилган ғояларнинг назарий-методологик аҳамияти. Халқаро алоқаларда янги босқич. Янги Ўзбекистоннинг Россия, Хитой, АҚШ, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Саудия Арабистони, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Афғонистон ва Марказий Осиё давлатлари билан кенг қамровли интеграция жараёнларининг амалга оширилиши. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларинининг аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва ҳамкорлик алоқаларини яхшилашга доир ташаббуслари.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрни ва нуфузининг ошириш бўйича давлат сиёсати. Жамият қурилиши ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга оид халқаро рейтинг ва индексларда мамлакат иштирокини ривожлантирилиши. Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар бўйича самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари.

“Бир макон, бир йўл” халқаро ҳамкорлик тизими доирасида Ўзбекистоннинг ҳамкор давлатлар билан шериклик алоқаларининг йўлга қўйилиши. 2022 йил 15-16 сентябр кунлари ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) нинг Самарқанд саммити, натижалари ва халқаро эътирофи. Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий алоқаларида амалий босқич. Ўзбекистоннинг Франция, Хитой, Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Қатар, БАА, Малайзия, Сингапур каби ривожланган давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлигининг янги босқичга чиқиши. Ўзбекистоннинг “Туркий давлатлар ташкилоти” даги ўрни ва нуфузи. Ўзбекистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқалари.

Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг кўшни давлатлари ўртасидаги давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилинишида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуслари. Минтақада транспорт коммуникацияларидан фойдаланиш, давлат чегараларини кесиб ўтиш каби мураккаб муаммоларга ечим топилиши.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ва унинг аҳамияти

28 январ 2022 йилда Ҳаракатлар стратегиясининг узвий давоми, Ўзбекистоннинг келажаги билан бевосита боғлиқ бўлган энг муҳим ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони қабул килингани. “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойили. Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси лойиҳаси етти та устувор йўналишни ўз ичига қамраб олганлиги. Улар қуйидагилар:

— инсон кадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;

— мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

— миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш;

— адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

— маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислоҳ этиш ва янги босқичга олиб чиқиш;

— умумбашарий муаммоларга миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ечим топиш;

— мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик ва прагматик, фаол ташқи сиёсат олиб боришга қаратилган 7 та устувор йўналишдаги масалаларни қамраб олганлиги.

«Ўзбекистон - 2030» стратегияси Янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим пойдевори

Тараққиёт стратегиясининг узвий давоми Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон - 2030» стратегияси тўғрисида»ги 158-сон Фармонининг аҳамияти. «Ўзбекистон - 2030» стратегиясини қабул қилиш зарурати. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари. Янгидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон – 2030» стратегиясининг асосий моҳияти ва унинг Тараққиёт стратегиясидан асосий фарқли жиҳатлари. «Ўзбекистон - 2030» стратегиясининг асосий ғояларининг мазмун-моҳияти. «Ўзбекистон - 2030» стратегиясининг устувор йўналишлари.

- Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш;
- Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш;
- Сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

- Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш;
- «Хавфсиз ва тинчликсевар давлат» тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш.

Стратегияни амалга ошириш ва унинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш вазифалари. «Ўзбекистон - 2030» стратегиясида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширилишини таъминлашнинг замонавий механизмлари ҳақида сизнинг фикрингиз, таклиф ва ташаббусларингиз.

Ижтимоий-гуманитар фанлари соҳаларида илмий унвонларга талабгорлар учун “Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлиги, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш ҳамда ижтимоий ривожланишнинг илмий асослари ва амалий йўналишлари” фанидан махсус имтиҳон

САВОЛЛАРИ

1.«Халқ ҳокимияти» тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти. Халқ ҳокимиятчилиги – давлат ҳокимияти қурилишининг принциплари.

2.Турли маданиятлар муносабатлари, уларни маърифий йўналтириш муаммолари. Диний муносабатлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда Ўзбекистон тажрибаси.

3.Диний кадриятларнинг қайта тикланиши. Анъанавий диний байрамлар, уларнинг тикланиши, ўтказилиши. Виждон ва эътиқод эркинлиги ва уларнинг ҳуқуқий асослари.

4.Очиқ иқтисодиёт пойдеворини вужудга келтиришнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари.

5.“Ижтимоий шериклик” тушунчасининг моҳияти ва аҳамияти. “Жамоатчилик назорати” тушунчасининг моҳияти ва аҳамияти.

6.Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфраструктуранинг тутган ўрни ва истиқболи.

7.Ҳокимлик институтининг вужудга келиш сабаблари. Ҳоким – маҳаллий вакиллик органи раҳбари.

8.Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар.Ички ва ташқи таҳдидлар ва уларга қарши кураш омиллари.

9.Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг стратегик мақсадлари. Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислохот модели ва тамойиллари.

10.Мафкуравий бўшлиқнинг хавфли оқибатлари. Жаҳондаги мафкуравий курашлар. «Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат» билан курашиш моҳияти.

11.Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва унинг тарихий аҳамияти.

12.Миллий ғурур, миллий орият, миллий ифтихор туйғуларини ёшлар онгига сингдиришнинг воситалари ва омиллари. Миллий манавият ва миллий ўзликни англаш.

13. «Суверенитет» тушунчаси. Давлат, миллат ва халқ суверенитети.

14.Давлат бошқарувини модернизациялаш шароитида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятларини мувофиқлаштиришга доир ваколатлари.

15.Ўзбекистон Республикаси – дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъекти. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принциплари.

16.Ўзбекистоннинг МДҲ давлатлари билан тенг ҳуқуқийлик, ўзаро манфаатлилик ҳамда ўзаро ҳурмат тамойиллари асосидаги икки томонлама муносабатларининг ривожланиши ва истиқболлари.

17. Демократиянинг асосий мезонлари. Тоталитар бошқарувнинг демократияга зидлиги.

18. «Ўзбекистонда сайлов ҳукуки эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш».

19. Ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ҳукукий негизини яратишнинг муҳим йўналишлари: Ўзбекистоннинг давлат ҳамда иқтисодий мустақиллигининг ҳукукий негизларини яратилиши.

20. Ўзбекистон иқтисодиётида аграр секторни ислоҳ қилиш стратегияси.

21. Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари фаолиятидаги иштироки.

22. Нархларни эркинлаштириш иқтисодиётни эркинлаштиришнинг муҳим шарти эканлиги. Бозор муносабатларида талаб ва таклиф.

23. Ижтимоий шериклик ва консенсус назарияси. Ижтимоий зиддиятларни тинч йўл билан ҳал қилиш. Тафаккурдаги эврилиш ва ўзгаришлар.

24. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп ёки тенг миқдордаги депутатлик ўрнини қўлга киритган сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари. Жамоатчилик назорати. Сиёсий муҳолифат. Электорат.

25. «Сиёсий партия» тушунчаси. Сиёсий партияларнинг ташкил топиш жараёни. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг шаклланиш жараёни.

26. Ўзбекистонда институционал ўзгаришларнинг зарурлиги ва аҳамияти. Бошқарув тизими ва механизми соҳасидаги ислохотлар.

27. Олий Мажлис ва Ҳукумат: парламент сўрови, парламент тинглови, парламент санкцияси. Демократия ва ҳокимиятнинг бўлиниши принципи.

28. Ўзбекистон Конституциясининг сиёсий ва маънавий-маърифий аҳамияти. Ўзбекистон Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатланиши.

29. Ўзбекистоннинг мустақиллик оstonасидаги иқтисодий ҳолати. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос хусусиятларининг илмий асосланиши.

30. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти Концепцияси. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принциплари.

31. Бозор муносабатлари тизимида миллий валютанинг тутган ўрни ҳамда вазифалари.

32. Ўзбекистоннинг географик хусусиятлари. Ўзбекистонга нисбатан геосиёсий ва геоиқтисодий қизиқишларнинг ошиб бориши, унинг сабаблари.

33. Марказий Осиё минтақасидаги геосиёсий вазият ва хавфсизлик масалалари. Демократияни «экспорт» қилишнинг хавфли оқибатлари.

34. Мустақиллик йилларида маҳалла институтининг такомиллаштиришнинг йўналишлари. Маҳалла — фуқаролик жамиятининг ноёб институти. Маҳалла тараққиётнинг янги босқичида.

35. Халқаро терроризм — уюшган жиноятчиликнинг ўзига хос кўриниши, унинг умумбашарий ва давлатлараро хавфсизликка таҳдид.

36.Тадрижий тараккиёт назарияси ва унинг бир тузумдан иккинчи тузумга ўтишда макбул йўл эканлиги. Эскилик билан янгилик орасидаги зиддиятлар, тафовутлар ва уларни бартараф этиш омиллари.

37.Коррупция ва жинойтчиликнинг мавжудлик сабаблари ва жиҳатлари. Коррупция ва жинойтчиликнинг давлат ва миллий хавфсизликка таҳдиди.Коррупция ва жинойтчиликка қарши курашда Ўзбекистон тажрибаси.

38.Ўзбекистон шароитида барқарорлик кафолатлари. Ўзбекистон Куролли Кучлари – мамлакат таянчи. Куролли Кучларни босқичма-босқич ислоҳ қилиш тадбирлари ва профессионал армияни шакллантириш жараёни ва унинг моҳияти. Муқобил хизмат масалалари.

39.Марказий Осиё давлатларида диний экстремистик гуруҳларнинг фаолияти. Экстремизм ва терроризмнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари.

40.Иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичида бюджет-солиқ сиёсатининг муҳим вазифалари. Пул муомаласини тартибга солишнинг устувор йўналишлари.

41.Ўзбекистонда янги давлатчилик, давлат ва халқ ҳокимиятининг қарор топиши. Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятларига бўлиниш принциплари ва уларнинг Ўзбекистонда намоён бўлиш хусусиятлари.

42.Икки палатали парламентга ўтиш – демократик тамойиллар қарор топишининг янги босқичи.Парламент назоратининг асосий йўналишлари: қонун ва қарорлар ижроси устидан назорат.

43.«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» ва уларнинг ҳуқуқий мақоми. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар.

44.Экологик танглик. Унинг миллий ва глобал муаммога айланганлиги. «Табиат –инсон–жамият» мувозанатининг бузилиши.

45. Фаол инвестицион сиёсатни амалга ошириш йўналишлари. Республикада эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари.

46.”Буюк давлатчилик”ва шовинизм ғояси — умумжаҳон барқарорлиги учун асосий хавф. “Буюк давлатчилик” ва агрессив миллатчилик кўринишлари.

47.Миллий мафкура – халқ ва жамиятни бирлаштирувчи куч эканлиги.

48.Марказдан туриб бошқариш ва режалаштиришдан воз кечиб, эркин бозор иқтисодиёти механизмини шакллантириш жараёни.

49.Мулкдорлар синфини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари. Хусусийлаштириш орқали мамлакатда иқтисодий рақобат муҳитини шакллантириш йўллари.

50.Экологик тангликда «аҳоли зичлиги» омили. Саноатнинг ривожланиши ва чиқиндилар муаммоси ҳамда унинг ечими. Орол муаммоси ва уни ҳал этиш зарурати.

51.Экстремизм ва терроризмнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари.

52.Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлиги.Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг ихтисослашган тузилмалари билан ҳамда ШХТ да тенг ҳуқуқли аъзоси сифатидаги фаолиятлари.

53.Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи ва НАТО ташкилотлари билан ҳамкорлигининг устувор йўналишлари. Ўзбекистон Республикасининг Ислом конференцияси ташкилоти билан ҳамкорлиги.

54. Сиёсий партиялар, ҳаракатлар, қарашлар. Турли ёт ғоялар, уларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш воситалари.

55.Тарихий хотиранинг миллий маънавиятдаги ўрни.

56. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлиги.

57.Инсон капитали ва инсон омили. Ижтимоий ҳаётда турли табақа ва қатламлар орасидаги уйғунлик ва мутаносибликни қарор топиши.

58.Ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш зарурати ва устувор йўналишлари.

59.Мустақиллик даврида Миллий маънавий қадриятлар, урф-одат ва анъналарга бўлган муносабатларнинг тубдан ўзгариши.

60.Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари: байроқ, герб ва мадҳия.

61.Жамоатчилик назорати, Сиёсий муҳолифат, Электорат тушунчаларининг моҳияти ва мазмуни.

62.Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти асарларида «Шахс», «Миллат», «Жамият», «Давлат», «Адолат», «Орият»,» Шукроналик» тушунчаларининг мазмуни.

63.«Халқаро нарқобизнес»нинг дунё ва давлатлар барқарорлигига таъсир этувчи хавфли таҳдид эканлиги.

64.Ноқонуний қурол савдоси, унинг ғайриинсоний моҳияти ва уни оммавийлашувининг оқибатлари.

65.Коррупция ва жиноятчиликка қарши курашда Ўзбекистон тажрибаси, унинг минтақавий ва миллий хавфсизликни таъминлашдаги аҳамияти.

66.“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мақсади, ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари, йўналишлари ва унда қўлланилган тушунчаларнинг мазмуни.

67.“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар ҳусусида

68.“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари

69.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги “Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳарбир раҳбар фаолиятининг қонунлиқ қоида

бўлиши керак!” номли маърузасида ўтган йилда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни ривожлантиришнинг айрим кўрсаткичларига эришилмаганлигининг асосий сабаблари ҳақида.

70. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги “Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак!” номли маърузасида 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилаб олиниши зарурлиги.

71. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларда ворисийлик: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” мавзусидаги 2017-йил 14-январдаги маърузасида илгари сурилган ғояларнинг асосий мазмуни.

72. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.М.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2017 йил 19 сентябрдаги 72-сессиясидаги нутқида илгари сурилган ғояларнинг методологик аҳамияти.

73. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Халқ бой бўлса, давлат бой бўлади” ғоясининг амалиётга татбиқ этилиш жараёни.

74. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича ҳаракатлар стратегиясида Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш масаласи.

75. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича ҳаракатлар стратегиясида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини оширишнинг асослаб берилиши.

76. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш.

77. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш

78. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш.

79. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича ҳаракатлар

стратегиясида демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш.

80. Давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш, жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш.

81. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича ҳаракатлар стратегиясида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш.

82. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик қонунчилигини такомиллаштириш.

83. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.

84. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш.

85. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича ҳаракатлар стратегиясида хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар.

86. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар.

87. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2017 йил 19 сентябрдаги 72-сессиясидаги нутқида Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан тўла ҳамоҳанглигининг асосланиши.

88. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг халқаро ва минтакавий хавфсизликни мустаҳкамлашдаги ташаббуслари. Марказий Осиёда ядровий қуролдан холи ҳудуд яратиш борасидаги ташаббуслари.

89. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2017 йил 19 сентябрдаги 72-сессиясидаги нутқида дунёда терроризм таҳдидлари, айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётганлиги ва уларга қарши, асосан, куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганлиги.

90. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2017 йил 19 сентябрдаги 72-сессиясидаги нутқида Марказий Осиё минтақасида мутлақо янги сиёсий муҳит яратишга эришилганлигининг аҳамияти.

91. Янги Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарнинг ривожлантирилиши.

92. «Халқ давлати идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган муҳим тамойилнинг мазмун моҳияти.

93. Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида таълим тизими олдида турган энг устувор вазифалар.

94. Янги Ўзбекистонни барпо этишда ташқи сиёсатга, дунёдаги олис ва яқин давлатлар билан дўстона ҳамкорлик алоқаларни ривожлантирилиши.

95. Ислохотлар самараси кўп жиҳатдан раҳбар кадрлар, айниқса, маҳаллий ҳокимларнинг билим ва тажрибаси, сиёсий савияси ва маданиятига боғлиқлиги.

96. Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, билим ва қобилиятини рўёбга чиқариш соҳасидаги ислохотлар.

97. Шавкат Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатга айланмокда», асарининг мазмун моҳияти.

98. Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичда судлар мустақиллигини таъминлаш борасидаги ислохотлар.

99. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсида Марказий Осиё интеграцияси.

100. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида илгари сурилган иқтисодиёт соҳасидаги вазифалар.

101. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги ижтимоий соҳадаги вазифалар.

102. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги қонун устуворлигига ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги кўшимча вазифалар.

103. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги ташқи сиёсатни фаоллаштириш бўйича вазифалар.

104. «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» (2020 йил)даги ҳамда яқин истикболдаги вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун белгиланган асосий чора-тадбирлар.

105. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги белгиланган жойларда ижро ва вакиллик органларининг давлат бошқарувидаги ролини ва маъсулиятини янада ошириш чора-тадбирлари.

106. Янги Ўзбекистонда «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари ғоясининг моҳияти.

107. Янги Ўзбекистон олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси ва унинг аҳамияти.

108. Олий таълимда давлат-хусусий шерикликни ривожлантирилиши.

109. Худудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш зарурати.

110. Олий таълим билан камров даражасини оширилиши ва унинг аҳамияти.

111. Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” нинг мақсад ва вазифалари, йўналишлари ҳамда асосий концептуал ғоялари.

112. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” Дастурининг мазмун моҳияти.

113. Ўзбекистонда аҳоли бандлиги, соғлиқни сақлаш, уй-жой билан таъминлаш, транспорт-муҳандислик, коммуникация тизимлари ва бошқа ижтимоий инфратузилмаларни ислоҳ қилиниши.

114. Янги Ўзбекистонда маданият, адабиёт, санъат ва спорт соҳалари ривожимамлакат ижтимоий тараққиётининг муҳим бўғини эканлиги.

115. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тизимининг яратилиши, ҳуқуқий асослари ва унга қарши курашнинг ривожлантирилиши.

116. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва ҳамкорлик алоқаларини яхшилашга доир ташаббуслари.

117. Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрни ва нуфузининг ошиши.

118. “Бир макон, бир йўл” халқаро ҳамкорлик тизими доирасида Ўзбекистоннинг ҳамкор давлатлар билан шериклик алоқаларининг йўлга қўйилиши.

119. “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармонда белгиланган асосий вазифалар.

120. 2022 йил 15-16 сентябр кунлари ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) нинг Самарканд саммити, натижалари ва халқаро эътирофи.

121. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармонининг асосий мазмун ва моҳияти.

122. Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг асосий устувор йўналишлари.

123. Оилавий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим асоси.

124. Маҳаллада касначилик ва аёллар бандлиги масалалари.

125. “Темир дафатар” ва “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари” тизими ва уларнинг аҳамияти.

126. Янги Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида янги босқичга қадам қўйиши.

127. Хориждаги ватандошларимизни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинишининг тарихий аҳамияти.

128. Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясини қабул қилинишининг аҳамияти.

129. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларни афв этиш тўғрисида” Фармонларининг моҳияти.

130. Янги Ўзбекистонда туризм соҳалари тараққиёти.

131. “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” дастурининг қабул қилиниши ушбу масалаларга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши.

132. Янги Ўзбекистонда зиёрат туризмининг жорий этилиши ва унинг ижтимоий-маънавий аҳамияти.

133. Аҳоли мурожаатлари билан ишлашнинг янгича тизими ва миллий модели. “Халқ қабулхоналари” фаолияти.

134. Янги Ўзбекистонда Қорақалпоғистон Республикасидаги жадал ислохотлар.

135. Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйнок туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси. // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли Фармонида 1-илова // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил 13 февраль.

2. “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Халқ сўзи. 2017. №172 (6866).

3. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017 № 6.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2017. 23. 12. № 258 .

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 2018. 29. 12. №271-272.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони// Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами.–Тошкент, 2018. №7.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Обод маҳалла” дастури тўғрисида”ги ПФ- 5467-сонли Фармони // Халқ сўзи. 28.06. 2018.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида” ги Фармони // Халқ сўзи. –Тошкент. 14.07. 2019.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш этиш тўғрисида” ги қарори // Халқ сўзи. 20. 02. 2020. №37.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Корновирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи. 20.03. 2020.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Янги Ўзбекистон. 30. 12. 2020. № 255.

12. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Тошкент. Ўзбекистон. 2017.

13. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. - Тошкент: Ўзбекистон.. 2017.

14. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: Ўзбекистон. 2017.

15. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон маънафаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йилигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. - Тошкент: Ўзбекистон. 2017.

16. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: Ўзбекистон. 2017.

17. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмокда. “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Донёровнинг саволларига жавоблари. “Янги Ўзбекистон” газетаси 2021 йил 16 август [хтtps://iuz.uz/news/](https://iuz.uz/news/)

18. Каримов И.А. Юксак маънавият-энгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008.

19. “Сайлов — 2021”: сайлов қонунчилигининг ривожланиш босқичлари 10 Июнь 2021 “Халқ сўзи” газетаси.

20. Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари. - Тошкент, 2000.

21. Эркаев А. Ўзбекистон йўли. - Тошкент: Маънавият, 2011.

22. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат // М.Абдуллаев ва бошқалар: тўлдирилган учинчи нашр. - Тошкент: Шарқ, 2006.

23. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. – Тошкент: Маънавият, 2017.

24. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Масъул муҳаррир А.Сабилов. - Тошкент: Академия, 2013.

25. Новейшая история Узбекистана. Руководитель проекта и редактор: М.А.Рахимов. - Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2018.

Қўшимча адабиётлар

26. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. - Тошкент: 2001.
27. Азизхўжаев А.А. Чин ўзбек иши. - Тошкент, 2003.
28. Ахмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. - Тошкент: Абу Али ибн Сино нашриёти, 2002.
29. Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005.
30. Левитин Л. Ўзбекистон туб бурилиш палласида. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005.
31. Усмонов Қ. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви. - Тошкент: Молия, 2003.
32. Ўзбекистон мустақиллик йилларида. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
33. Ўзбекистон тарихи. Р.Ҳ.Муртазаеванинг умумий таҳрири остида. - Тошкент, 2005.
34. Ўзбекистон халқининг дини, маданияти ва урф-одатлари: тарих ва ҳозирги ҳолат. - Тошкент: ТИУ, 2011.
35. Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. - Тошкент: Шарқ, 2006.
36. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик: тарихий тажриба ва ҳозирги замон. Масъул муҳаррир Р.Ҳ.Муртазаева. - Тошкент: Мумтоз сўз, 2010.
37. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). 2 том. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, Қ.Ражабов, М.Раҳимов. - Тошкент: Ўзбекистон, 2019.
38. Муртазаева Р.Ҳ. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва толерантлик. Дарслик. - Тошкент: Мумтоз сўз, 2019.
39. Юнусова Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва маънавий жараёнлар (XX аср 80-йиллари мисолида). - Тошкент: Абу матбуот-консалт, 2009.
40. Обломуродов Н, Толипов Ф. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. (Олий ўқув юртлари талабалари учун). - Тошкент. Нур дурдоналари. 2021.